

СЎЗ-ГАПЛАРНИНГ БАДИЙ МАТНДА ТУТГАН ЎРНИ ХУСУСИДА

М. Ибрагимова ¹*Аннотация:*

Гап ва у билан боғлиқ синтактик назария тилшунослик фанининг узоқ тарихий тараққиёти давомида шаклланди ва бу борадаги қарашлар илмий жиҳатдан сайқал топди. Ўзбек тилшунослигида ҳамгап ва унинг турлари, унинг синтактикаси ва семантикаси бўйича улкан ютуқларга эришилди. Ушбу ютуқлар систем-структур парадигма асосида шаклланган ва такомилига етган бўлиб, мавжуд дарслик ва қўлланмаларда ва бошқа асарларда ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: гап, сўз-гап, систем-структур парадигма, антропоцентрик парадигма, семантика, синтаксис, грамматика, гап бўлаги, предикативлик, модаллик, просодика.

doi: <https://doi.org/10.2024/ezevvr37>

Тилшунослик адабиётлари кўздан кечирилганида, синтактик масалаларнинг тадқиқига бағишланган ишларнинг ҳам жуда катта қўламда, узоқ тарихий тараққиёт давомийлигида амалга ошиб келаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Ушбу ўрганишларимиз жараёнида синтактик бирлик тушунчаси нима билан боғлиқлиги хусусидаги қарашларни кузатар эканмиз, бу, ҳеч шубҳасиз, гап тушунчасига бориб тақалади. Синтактик масалаларнинг марказида асосий ўринни гап ва унинг лингвистик табиатини ёритиш турганини инкор этиш қийин. Чунки сўзларнинг нутқда фаоллашуви ҳам, луғавий бирликнинг лексик жиҳатларининг намоён бўлиши ҳам, морфем бирликларнинг реаллашуви ҳам, фонетик бирликларнинг функционал томонлари ҳам том маънода нутқда, бошқача айтганда гап таркибида тўла амалга ошади.

Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, гап нутқ лингвистикаси тадқиқида ҳам марказий ўринлардан бирини тақазо қилади. Гап тушунчаси тилшуносликда кўплаб масалаларнинг ечими учун насос бўлганини инкор этиш қийин. Бу, айниқса, тилшуносликда ҳозирги давр учун асос яратилишига замин бўлган систем-структур парадигма моҳиятини англаш, уни амалда ишлашининг натижаларидан бири сифатида қайд этиш тўғри бўлади.

Гап ҳақида фикр борар экан, унинг синтаксисга тегишлилиги тўғридан-тўғри тасаввурга келади. Бироқ гап синтаксисда ўрганилган бирлик сифатида ягона ҳисобланмайди. Бу сўз бирикмаси, содда гап ва унинг турлари, қўшма гап ва унинг турларини узоқ даврлардан бери шу мақомдаги бирлик сифатида ўрганилиб келинаётганининг ўзини ёдга олиш билан аниқ тасаввурни келтириб чиқаради.

Муносабат билдирмоқчи бўлганимиз сўз-гаплар ҳам содда гапнинг алоҳида бир кўриниши сифатида жаҳон тилшунослигида, хусусан, унинг ажралмас бир қисми бўлган ўзбек тилшунослигида ҳам атрофлича тадқиқ этилган. Бу борада масала моҳиятининг муаммоли экани, унинг синтактик шаклланиши ва функционал томони, семантик салмоғи, коммуникатив жиҳатлари тадқиқотчиларнинг диққат марказиди

¹ Ибрагимова Муқаддас, СамДЧТИ ўқитувчиси. Самарқанд, Ўзбекистон

бўлиб келган ва бугунги кунда ҳам ушбу йўналишда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Албатта, асрлар давомида шаклланган мавжуд лингвистик қарашлар гап тушунчаси доирасида сўз-гапни содда гапнинг алоҳида бир тури, кўриниши сифатида тавсифлашга эришганини алоҳида қайд этамиз. Зотан, бу синтактик қурилма гапга хос бўлган просодик, предикативлик ва модаллик хусусиятларига эга экани билан содда гапга тенглаштирилади.

Ундаги просодик белги шаклланган грамматик мезонлар асосидаги гапнинг шундай хусусиятига мувофиқ келади. Бунда уларнинг ҳар иккисида ҳам кузатиладиган оҳангнинг тугал экани бундай фикр билдириш имконини беради. А.Нурмоновнинг қайд этишича, просодик актуаллаштирувчи воситалар сирасига гап бўлақларининг актуаллашишида сўз тартибидан ташқари, бошқа воситалар ҳам, жумладан, просодик воситалар хизмат қилади. Бундай актуаллаштирувчи воситаларга мантиқий урғу ва у билан боғлиқ нутқ темпи ва пауза киради кабиларни ҳам киритиш мумкин бўлади [2, 294].

Гап учун муҳим бўлган яна бир белги бу предикативлик хусусиятидир. Предикативлик ва унинг шаклланиши борасида тилшунос олимларнинг қарашлари бир хил эмас. Унинг ифодаси учун нималар кераклиги, синтактик қурилмада қандай хусусиятлар бўлиши лозим экани борасида муштарак қарашлар шу кунгача ҳам том маънода мавжуд дейиш қийин. Модаллик тушунчаси ҳам синтактик қурилма сифатида гапга, жумладан, сўз-гапга ҳам хосдир. Модаллик объектив ва субъектив турларга бўлинишини, унинг ҳар икки тури ҳам жумлада ўзига хос тарзда шаклланишини ҳисобга олар эканмиз, сўз-гапда унинг реаллашуви масаласи ҳам эътиборли масалалардан бири бўлиши лозим.

Сўз-гап юқорида қайд этилган белгиларига кўра грамматик жиҳатдан тўла шаклланган содда гапнинг барча белгиларини ўзида мужассам этади. Бироқ масаланинг яна шундай томонлари ҳам борки, унга кўра сўз-гапнинг лингвистик тавсифида ўзига хос синтактика, ўзига хос семантика ва ўзига хос функционал-коммуникатив хусусиятлар алоҳида тадқиқ этишга лойиқ кўринади. Албатта, фан тараққиётида сўз-гап тушунчасининг шаклланиши, унинг барча хусусиятлари билан узвийликдаги лисоний моҳияти ўрганилгани аниқ. Аммо унинг нутқдаги хусусиятлари соф лингвистик моҳияти нутқ лингвистикаси мезонлари асосида кўриб чиқилиши масала тавсифининг янада самарали бўлишига йўл очади.

Нутқ коммуникатив жараёндир. Шундай экан, ҳар қандай нутқий қурилма коммуникатив мақсад учун шаклланади ва бу жараёнда ўз васифасини бажаради. Бу синтаксиснинг формал-структур томонига тўғридан-тўғри дахлдор бўлмаслиги мумкин, бироқ синтактик қурилманинг семантик-синтактик томони билан алоқадор эканини инкор этиб бўлмайди. Бунда модаллик ўзига хос аҳамиятга эга бўлади. Албатта, пропозитив (номинатив) ва модал аспектлар гапнинг формал-структур томонини, бошқача айтганда, унинг денотатив ва сигнификатив мазмунини акс эттиришга хосланган бўлса, жумланинг коммуникатив аспектида, аввало, сўзловчининг коммуникатив мўлжали – нияти, мазкур қурилмада ифодаланган объектив мазмун элементларининг аҳамиятлилиқ даражасини белгилашни, шунингдек, дарак, сўроқ, буйруқ кабиларни ифодалашини акс эттиради. Бундан ташқари, пресуппозиция ахборотини ўз ичига олишини олимлар қайд этишади [3, 92]. Кўринадики, гап тил бирлиги сифатида қаралганида унинг фақат номинатив аспекти, яъни пропозицияси тасаввур этилса, унинг коммуникатив аспекти қурилманинг мазмуний, яъни семантик томони билан боғлиқдир. Бу унинг нутқ бирлиги сифатидаги характеристикасида ўз ифодасини топади.

Дарҳақиқат, жаҳон тилшунослигида синтактик қурилмалар, уларнинг турлари, ҳосил бўлиш йўллари хусусидаги масалалар борасида катта ютуқларга эришилган. Бироқ бу борада муайян даражада тавсиф қилиниши лозим бўлган масалалар ҳам борки, улар сирасига гап ва унинг турларига оид назарий қарашларнинг тавсифидаги бўшлиқлар, тўлдирилиши лозим бўлган ўринлар алоҳида аҳамиятга эга. Бундай ҳолат сўз-гап ва унинг синтактикаси, семантикаси доирасида ҳам кузатилиб, ўзига хос мунозарали ўринларга эғалиги билан эътиборни тортади.

Ўзбек тилининг академик грамматикаси китобининг иккинчи томида гап грамматик шаклланган, интонацион тугалликка эга бўлган, нисбий тугал фикр билдирадиган сўзлар комплексидан ёки айрим бир сўздан ташкил топиши, гап бўлаклари тушунчаси бирдан ортиқ сўздан ташкил топган гапларга татбиқ қилиниши, ёлғиз бир сўздан иборат бўлган гапларда (бас, ҳа, йўқ типидagi сўз-гапларда) гапнинг бўлаклари тўғрисида сўзлаш мумкин эмаслиги, чунки гапнинг бўлаклари гап составидаги сўзларнинг маълум қонун-қоидалар асосида ўзаро боғланишидан ҳосил бўлган синтактик бутунликнинг қисмлари экани қайд этилади [4, 114].

Тилшунослигимизда бир составли гаплар ҳақида фикр билдирилганида уларнинг қуйидаги типларга бўлиниши кўрсатиб ўтилган: 1) шахси номаълум гаплар, 2) шахси умумлашган гаплар, 3) шахсиз гаплар, 4) инфинитив гаплар, 5) номинатив гаплар, 6) сўз-гаплар [4, 184].

Гап ҳақидаги синтактик назарияга кўра синтактик қурилма гап мақомини олиши учун, аввалом бор, грамматик асосга эга бўлиши, муайян гап бўлакларидан ташкил топиши шарт. Аммо сўз-гап термини остида мужассам бўлган синтактик қурилмаларнинг шаклланиши, тузилиши мавжуд синтактик назариянинг гап билан боғлиқ бўлган мезонларига мос эмас.

Грамматиканинг гап ҳақидаги қисмида сўз-гап бир таркибли гапнинг алоҳида бир кўриниши сифатида тавсифланади. Бир таркибли гаплар эса содда гапнинг бир типи сифатида қайд этилади. Бу тавсифларга кўра, сўз-гап содда гап англатган фикр ифодасини бера олиши, унинг функционал вазифаларини бажара олиши, содда гапда мавжуд бўлган семантик қимматга эғалиги, коммуникатив жараёнда у билан бир хил вазифа бажариши мумкинлиги кўрсатиб ўтилади.

Сўз-гаплар бир составли гапларнинг алоҳида группасини ташкил этиши, уларда грамматик эга ҳам, кесим ҳам бўлмаслиги, бу хил гаплар кишининг турли туйғуси ва воқеа-ҳодисага бўлган эмоционал муносабатларини ифодаловчи модал сўзлардан бўлиши қайд этилган [4, 185].

Сўз-гаплар ҳақида фикр билдирилганида, улар биргина сўздан иборат бўлиб, турли ҳис-туйғулар ифодаланаётган фикрга модал муносабатларни билдириши мумкинлиги алоҳида қайд этилади.

Ғ.Абдурахмоновнинг қарашларида бундай гаплар тобе ёки ҳоким бўлакларни талаб ҳам этмайди, уларда бирор бўлакнинг «яширингани» ҳам сезилмайди. Улар олдин айтиб ўтилган фикрга экспрессив-модал муносабатларни ифодалайди. Шунинг учун ҳам улар кўпроқ диалог, баъзан, монолог гапларда қўлланади. Ана шу хусусиятларга кўра, улар тўлиқсиз гаплардан ҳам, ҳатто бир составли гаплардан ҳам фарқланиб туради (чунки бир составли гапларда грамматик жиҳатдан эга ёки кесим ифодаланади, бу хил гапларни грамматик жиҳатдан ҳам, логик жиҳатдан ҳам эга ёки кесими бўлмайди). Сўз-гапларнинг асосий хусусиятларидан бири уларнинг махсус интонацияга эга бўлиши ва маълум ситуацияни, контекстни талаб этишидир. Агар бу шартлар бўлмаса, сўз-гаплар ўз функциясини бажара олмайди [4, 196]. Муаллиф томонидан фикр далили учун қуйидаги мисоллар келтирилади:

– План бажарилдими?

– Ҳа.

– Дарсдан кеч қолганлар борми? – Йўқ.

Ўзбек тилида сўз-гаплар, асосан, қуйидаги тўрт турга ажратилади:

1. Тасдиқ билдирувчи сўз-гаплар.

2. Инкор сўз-гаплар.

3. Сўроқ сўз-гаплар.

4. Эмоционал-модал сўз-гаплар.

Сўз-гапларнинг қайд этилган турлари ўзига хос белги-хусусиятларига кўра бири бошқасидан фарқланиши алоҳида-алоҳида тавсифланади.

1. Тасдиқ билдирувчи сўз-гаплар. Бундай сўз-гаплар сўзловчининг айтилаётган фикрни тасдиқлаши ёки бирор фикрга қўшилишини кўрсатади. Тасдиқ сўз-гаплар вазифасида: ҳа, шундай, тўғри, яхши, албатта, ҳўп, бўлмаса-чи каби сўзлар ишлатилади. Бу типдаги сўз-гаплар берилган саволга жавоб бўлади (Фикримни тушундингизми? –Ҳа) ёки ифодаланаётган фикрни тасдиқлайди (Мен сизни жуда яхши биламан! Ҳа!).

– Халқ?!

– Шундай, тақсир, шундай. (Тоғай Мурод, 19 б.)

– Қизиллар Ҳайиткалнинг жаридан ўтадимми?

– Эса-чи. (Тоғай Мурод, 31 б.)

2. Инкор сўз-гаплар берилган саволга сўзловчининг инкор жавобини ёки маълум фикрга қўшилмаганини ифодалайди. Бу инкор айрим ўринларда экспрессив маънони англатади. Инкор сўз-гаплар вазифасида йўқ, ҳеч, аксинча каби сўзлар ишлатилади: –Сиз ҳам шундай ўйлайсизми? –Аксинча! (ёки йўқ).

– Масжид Худои таоло даргоҳидур, тақсир. Худои таоло даргоҳидур.

– Ол-а, эшон, ол-а! (Тоғай Мурод, 18 б.)

– Мени қизиллар йўқламаяптими?

– Йўғ-а. (Тоғай Мурод, 30 б.)

3. Сўроқ сўз-гаплар сўзловчининг саволи, таажжубини англатади ёки тингловчини жавоб беришга, бирор иш-ҳаракатга ундайди. Сўроқ сўз-гаплар вазифасида шундайми, йўқми, наҳот, рост билан-а, бўптими, яхшими каби сўзлар ва бу хил сўзларнинг юклама ёки айрим кўмакчилар билан бирикуви орқали ифодаланади: –Салим бугун дарсга қатнашмабди? –Наҳот?!

– ... Асло, асло сенинг тупроғинг эмас!

– Лаббай-лаббай?

– Сен бундай қаймоқ тупроққа ярашмайсан!

– Нима-нима? (Тоғай Мурод, 22 б.)

4. Эмоционал-модал сўз-гаплар. Айрим сўз-гаплар маълум хабарга ёки воқеа, ҳодисага ёки баъзи тушунчаларга бўлган сўзловчининг эмоционал-модал муносабатларини билдиради. Бундай эмоционал-модал сўз-гаплар ундов сўзлар билан ёки сўзловчининг маълум хабарга, ёки предмет, воқеа, ҳодисаларга бўлган модал муносабатини англатувчи сўзлар билан ифодаланади (Оҳ! Войдод! Ура! Ура!). Эмоционал гаплар эмоционал-модал сўз-гаплардан эмоционал гаплар фарқ қилади, Эмоционал гаплар фақат айрим сўз бўлиб қолмай, бирикма ҳолида бир неча сўз билан ҳам баён этилади.

Бундан ташқари, эмоционал гаплар ҳар вақт маълум фикрга бўлган муносабатни англата бермайди. Эмоционал гаплар саломлашиш, хайрлашиш, ташаккур, кечирим, рағбатлантириш, мамнунлик каби маъноларни ифодалайди [4, 114].

Сўз-гап ўзбек тилшунослигида моҳияти, турлари, уларнинг лексик материали тавсифи, қўлланиш хусусиятлари эмперик асосда атрофлича ўрганилган [1]. Субстанциал тилшунослик гапнинг энг кичик қолипи [WPm] тарзида қайд этганидан сўнг мазкур масалани ҳам қайта кўриб чиқиш эҳтиёжи ортиб бормоқда [1]. Бунда, албатта, мазкур дарсликда қайд этилган фикрларни ҳисобга олиш ва сўз-гап борасидаги жаҳон тилшунослигида ҳамда ўзбек тилшунослигида ҳам шаклланган қарашларни қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келди. Бундай фикр билдиришимизнинг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Чунки тил ва нутқ дихотомияси нуқтаи назаридан мазкур масалага назар ташлар эканмиз, унинг сўз-гап тарзида номланишининг ўзи ҳам эътиборни тортади. Гап гап бўлакларидан таркиб топиши илмий қарашлар асосида шаклланган хулосага олиб келади. Бироқ бу бўлакларнинг сўзлардан вужудга келишига аҳамият қаратар эканмиз, сўз тушунчаси ва гап тушунчасининг ушбу нутқий синтактик қурилмада мужассамлашганини кузатишимиз мумкин бўлади. Сўз-гапларнинг лингвистик тавсифига мурожаат этиш бу қурилмаларнинг бугунги кун тилшунослиги учун моҳият, қурилиши материали, коммуникатив, функционал хусусиятлари жиҳатидан бошқача тавсифланишига эҳтиёж борлигини келтириб чиқармоқда.

Бунинг биринчи сабаби гап тушунчасининг назарий асосларига янгича ёндашув билан муносабат билдириш лозимлиги бўлса, иккинчи сабаб сўз-гап тушунчасининг тилшуносликнинг бугунги илмий-назарий ютуқлари асосида тавсифланишига бўлган эҳтиёждир.

Бизнингча, сўз-гапларнинг гап мақомини олиши масаласи изоҳталабдир. Чунки бундай синтактик қурилмаларда гапга хос бўлган белгилардан асосийлари сифатида қайд этилувчи грамматик асос, компонентлараро тобе-ҳоким муносабат, кесимлик белгилари, грамматик шаклланиш каби мезонларнинг амал қилмаётгани рўйи-рост кўриниб туради.

Назаримизда, сўз-гап тушунчасининг шаклланиши қурилманинг синтактикасига эмас, балки унинг том маънода коммуникатив-функционал томонига асосланиш орқали вужудга келган. Зотан, бундай гапларда воқеликка муносабат, объектив ва субъектив модаллик, оҳанг жиҳатидан тугаллик мавжуд бўлиб, тил бирлиги ҳисобланган сўзнинг тилга хос белгиларидан саналувчи виртуаллик хусусияти бундай мақомда келган ташкил этувчи бирликка бегона. Шундай экан, сўз-гапни шакллантирувчи сўз нутқ бирлиги саналадиган бирлик, яъни гапга хос бўлган аксарият белги-хусусиятларни ўзида мужассам эта олади. Аммо мазкур, унга гап мақомини беришга далил бўлувчи хусусиятлар қурилманинг синтактикасидан кўра ҳам унинг ифода планига – мазмуний салмоғига тегишли экани кўзга ташланади.

Нутқнинг минимал бирлиги тушунчаси гап билан боғлаб изоҳланаётган [5, 70] бугунги кунда, нутқда гап билан тенг коммуникатив функция бажараётган, бироқ таркибий синтактикаси гап учун амалда мавжуд бўлган мезонларга мувофиқ бўлмаган қурилмаларнинг турлари ҳам борлиги ҳақида муқобил қарашлар ҳам кузатилаётгани мазкур масала тавсифини янгича ёндашувларга таяниб, тилшуносликнинг замонавий йўналишларида шаклланган таҳлил ва тадқиқ методлари ёрдамида ўрганиш эҳтиёжини келтириб чиқармоқда.

Сўз-гапларнинг нутқда мавжудлиги инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир. Бироқ уларнинг гап деб номланиши, бошқача айтганда, унга гап мақомининг берилишида изоҳталаблик кузатилади. Чунки нутқда минимал коммуникатив бирлик сифатида шаклланган синтактик қурилмаларнинг барчаси ҳам гап эмас. Уларнинг аксарияти нутқда шакллангани ва коммуникативликка эгалиги боис жумла мақомини олишга ҳақлидир. Жумла эса гапга нисбатан қўйиладиган грамматик талаблар асосидаги

мезонларнинг айримларига эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Бироқ ҳар қандай жумла нутқда шаклланади. Шу боис унда нутққа хос бўлган коммуникатив вазифа бажариш ҳолати кузатилади. Нутққа тегишли бўлгани сабабли у доим актуал бўлади ва кўриниши тил бирлиги ҳисобланган сўздан яққол фарқланмаса ҳам тил бирлиги мақомидаги сўздаги витуаллик унда мавжуд бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1]. Sayfullayeva R.R., Qurbonova M., Mengliyev B.R., Boqiyeva G.X. Yunusova ... *Hozirgi o'zbek adabiy tili*. – Toshkent, 2009. 280 b.
- [2]. Нурмонов А. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент, 2012. –258 б.
- [3]. Нурмонов А., Махмудов Н., Ахмедов А., Солихўжаева С. *Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси*. – Тошкент: Фан, 1992. –294 б.
- [4]. *Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис*. – Т., «Фан», 1976. –560 б.
- [5]. Хайруллаев Х. Об особенностях изучения объекта речевой лингвистики. *Иностранная филология: язык, литература, образование*. 2019. (2 (71), 17-20. https://inlibrary.uz/index.php/foreign_philology/article/view/921
- [6]. Хайруллаев Х. Нутқ бирликларининг поғонали муносабати. – Самарқанд, 2008., 70 б.